

Гуллиев Илхом Хамрокулович : “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш масалалари”

(5A230601- “Давлат молиясини бошқариш” йўналиши)

Илмий раҳбар : и.ф.д проф Бурхонов.А

Тадқиқотнинг мақсади : Жаҳон амалиёти ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, янги иш ўринларини барпо қилишда, бозор ўзгаришларига нисбатан тез мослашишда ва мулкдорлар синфини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга ва юқори самарадорликка эга эканликларини тасдиқламоқда. Кўпчилик мамлакатларда кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрнига, унинг тадбиркорликни ривожлантиришдаги ва бозор муносабатларини шакллантиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиясини бошқаришнинг назарий асослари
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини ташкил этиш асослари
- Республика иқтисодиётини ривожлантириш ва модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг аҳамияти
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиясини ташкил этиш ва бошқаришнинг (ҳуқуқий асослари) шарт шароитлари
- Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини молиясини ташкил этиш ва бошқаришнинг амалиёти таҳлили
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини молиясини бошқаришнинг бугунги кундаги ҳолати таҳлили
- Кичик бизнес корхоналар молиясини бошқаришда кредитнинг роли ва унинг таҳлили
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини молиясини бошқаришни такомиллаштириш йўллари

Магистратура талабаси :

И.Гуллиев

Илмий раҳбар :

и.ф.д проф Бурхонов.А

Мундарижа

Кириш.....	
I- боб. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиясини бошқаришнинг назарий асослари.....	
1.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини ташкил этиш асослари.....	
1.2. Республика иқтисодиётини ривожлантириш ва модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг аҳамияти.....	
1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиясини ташкил этиш ва бошқаришнинг (хуқуқий асослари)шарт шароитлари.....	
II - боб Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини молиясини ташкил этиш ва бошқаришнинг амалиёти таҳлили.....	
2.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини молиясини бошқаришнинг бугунги кундаги ҳолати таҳлили.....	
2.2. Кичик бизнес корхоналар молиясини бошқаришда кредитнинг роли ва унинг таҳлили.....	
2.3. “ Орзу ” кичик бизнес корхонасини молиявий фаолиятини таҳлили ва уни молиясини бошқариш.....	
III- боб Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини молиясини бошқаришни такомиллаштириш йўллари.....	
Хулоса ва тақлифлар.....	
Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон амалиёти ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, янги иш ўринларини барпо қилишда, бозор ўзгаришларига нисбатан тез мослашишда ва мулкдорлар синфини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга ва юқори самарадорликка эга эканликларини тасдиқламоқда. Кўпчилик мамлакатларда кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрнига, унинг тадбиркорликни ривожлантиришдаги ва бозор муносабатларини шакллантиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳам мулкдорлар синфини вужудга келтиришга ёрдам берадиган кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришдир. Кичик бизнес жамият ҳаётининг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига таъсир кўрсатади. Шу боис Ўзбекистон ўзининг мустақиллиги асосида янги иқтисодий ислохотлар йўлини жорий этиш ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини кенг ривожлантириб, ўзининг қонун-қоидаларига суянган ҳолда тадбиркор, ишбилармон ва бизнесмен кишиларга қулай шарт-шароитлар яратиб беришга интиломоқда.

Корхоналар ўртасида кооперация алоқалари мустаҳкамланмоқда, бу жараёнга кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектлари тобора кенг жалб қилинмоқда.

Бугунги кунда биз учун энг долзарб муаммолардан бири бўлмиш юртимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларимиз ҳақида.

2011-йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди. 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга ошириш ишлари натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иқтисодиётда иш билан банд бўлганлар умумий сонининг 75 фоизга яқини ишлаши таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йил якунлари бўйича ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизни ташкил қилди.¹

Хусусий тармоқни ривожлантириш истикболлари ҳақида сўз юритганимизда, биз, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўзда тутаётганимизга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

¹ И.Каримов “2012 йил ватанимиз таракқиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” Тошкент “Ўзбекистон” 2012 йил. 35 б

Биз аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилишини ва у ерларда иқтисодий турмуш тарзи ва фаолликни ошириш нақадар муҳимлигини инобатга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан хусусий секторни, айнан, кичик ва хусусий бизнес фаолиятини ривожлантириш долзарб масалалардан биридир.

Малакавий ишни ўрганганлик даражаси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиясини бошқаришнинг муаммолари бўйича қатор таниқли хорижлик иқтисодчи-олимлар, жумладан, Гуйда Т., Кенэ Ф., Ключо М., Колчина Н., Корнаи Я., Красленд К., Лоуренс Дж., Матук Ж., Менвишков С, Милль Ж., Моляков Д., Печлер Ж., Поляк Г., Амбаркулов А., Стерликов Ф., Сперанский М., Тюрго А., Фишер С. ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбек олимлари ва мутахассисларидан Шарифхўжаев М.Ш., Абдуллаев Ё.А., Абдуллаева Ш.А., Абдурахмонов Қ.Х., Акромов Э.А., Бобоқулов Т., Воҳобов А.В., Ғозибеков Д.Ғ., Ғуломов С.С., Жумаев Н.Х., Йўлдошев З.Й., Жамолов Х.Н., Носиров Э.И., Қосимов Р.С., Маликов Т.С., Олимжонов О.О., Собиров Ҳ.Р., Ҳайдаров Н.Ҳ., Хўжамкулов Д. ва Маматов Б. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиясини бошқаришнинг ҳозирги замон муаммолари масалалари хусусида кўпроқ илмий фикр ва мулоҳазалар билдирганлар.

Битирув малакавий ишни мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиясини бошқаришнинг ҳозирги замон муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал қилиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишида мазкур мақсаддан келиб чиқиб қатор вазифалар қўйилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўзининг тузилишига кўра ва ихчамлиги сабабли йирик корхоналарга нисбатан бозор талабларига тезроқ мослашишини ўрганиш;

- янги иш ўринларини яратиш йирик корхоналарга қараганда кўпроқ фойда бериши асосларини ўрганиш;

- чет эл тажрибасига таянган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб қувватлаш тадбирларини ўрганиш;

- “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастурини моҳиятини, шунингдек, амалётга тадбиқ этиш вазифаларини ўрганиш;

- жамиятда сиёсий барқарорликни кафолатловчи бош омил - ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини бажара олиши;

- иқтисодий инқироз шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб қувватлаш тадбирларини ўрганиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиясини бошқариш ва тахлилини амалга ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиясини бошқаришнинг ҳозирги замон муаммолари ва уларни бартаъраф этиш бўйича ёрдам беришини ўрганишдир.

Битирув малакавий ишининг предмети, сифатида Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиясини бошқаришнинг ҳозирги замон муаммоларини ўрганиш жараёнида вужудга келувчи муносабатлар майдонга чиқади.

Битирув малакавий ишининг объекти бўлиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиявий фаолияти ва республикамиздаги макроиқтисодий статистик маълумотларни ўрганиш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари. Битирув малакавий ишининг назарий асосларини Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва хорижда ҳамда республикамизда маълум олимларнинг илмий ишлари ташкил этади. Ишни ёзишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг буйруқларидан, йўриқномаларидан ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилган.

1- боб Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиясини бошқаришнинг назарий асослари

1.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш асослари

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият”² - деб таърифланади.

Тадбиркорлик фаолияти бизнеснинг бир шакли сифатида намоён бўлади ва унинг турли соҳаларида амалга оширилади. Шундай қилиб, тадбиркор тўла ёки қисман моддий маблағига ёки молиявий ресурсларга эга бўлган ғайратли инсон бўлиб, у ушбу ресурсларни ўз ишини (бизнесини) ташкил қилиш учун ишга солади. Унинг томонидан бунёд этилган фирма

² Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. 2000. 25 май. 3-модда

(ташкilot, ширкат, корхона) давлатимиздаги тараққий этаётган кичик бизнеснинг бир қисмига айланади³.

«Тадбиркор» ва «бизнесмен» каби тушунчалар уларнинг иқтисодий фаолият соҳалари кўрилаётганда маънодош деб ҳисобланмайди. «Бизнес» тушунчаси «тадбиркор»дан анча кам маънога эга деб қаралади. Ғарб давлатларининг бозор иқтисодиёти ҳақидаги адабиётларида, бизнес-жамиятнинг талаб ва хоҳишларини қондиришга қаратилган ишлаб чиқариш тизими, деб тушунтирилади.

Бизнес бозор иқтисодиётининг барча иштирокчилари орасидаги муносабатларни қамраб олади ва фақат ишбилармонларнинг эмас, балки истеъмолчиларнинг, ёлланган ишчиларнинг, давлат тизими хизматчи-ларининг ҳам хатти-ҳаракатларини ўз ичига олади. Бу ҳолатда, бизнес сўзининг синонимлари бўлиб, маълум маънода тижорат, савдо-сотик каби тушунчалар ҳисобланади. Умумий кўринишда бизнес бу–кишининг бозор муносабатлари тизимидаги ишчанлик фаоллигидир.

Ҳар қандай янги ширкатнинг очилишига инсоннинг ўз ҳаёт тарзини кескин ўзгартириши ва ишбилармон бўлишга иштиёқи сабаб бўлади. Бу каби қарор аниқ вазиятдан келиб чиқиб қабул қилинади.

Ўз ишини ташкил қилишда устувор сабаб бўлиб, инсон ўзининг жамиятдаги иқтисодий, моддий ва ижтимоий ҳолати (мавқеи)ни яхшилаш, ўзининг ва оиласининг ҳаёти фаровонлигини ошириш учун интилиши ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятига туртки бўладиган бошқа сабаблар қаторига шахснинг ўзини кўрсатишга, халқнинг молиявий ресурсларидан бир қисмини, қўшимча меҳнат ва бошқа ресурсларни хўжалик жараёнига жалб қилишга имкон борлиги, фуқароларнинг қонуний равишда ўз даромадларини оширишга, қўшимча даромад келтирувчи фаолият тури билан астойдил шуғулланишга имкон борлиги каби омилларни кўшиш мумкин.

И.А.Каримов томонидан олға сурилган барча ташкилий, иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий асослар тадбиркорликнинг бош мақсади иқтисодиётни барқарорлаштириш ва уни келгусида юқори суръатлар билан ривожлантиришга қаратилган.

Хусусий тадбиркорлик - хўжалик юритишнинг шундай ташкилий-ҳуқуқий шаклики, унда мулк эгаси битта шахс ёки оила бўлади ва фаолиятдан келган даромадни (турли тўлов ва солиқлар тўланганидан кейин) ҳаммасига эгалик қилади, қолаверса, бизнесдаги хавф-хатар ва таваккалчилик учун яқка ўзи жавоб беради.

Тадбиркорликнинг ушбу шакли чакана савдода, умумий овқатланиш соҳасида, маслаҳат соҳасидаги бизнесда, маиший хизматда, фермерчиликда, тиббиётчилик амалиётида ва ҳунармандчиликда кўпроқ учрайди. У икки хил кўринишда ташкил қилиниши мумкин: а) индивидуал-яъни корхона ташкил қилмасдан ва б) хусусий корхона-яъни юридик шахс ташкил қилган ҳолда.

³ Собиржанова Д., Бойматова У. Хусусий ва кичик бизнес менежменти, Ўқув қўлланма. Тошкент. “Iqtisod-Moliya”-2007

Хусусий тадбиркорликнинг афзалликлари:

- ишни ташкил қилишдаги оддийлик, тўла мустақиллик, ҳаракатдаги эркинлик ва тезкорлик. Тадбиркор бирор қарор қабул қилишида юқори ташкилотларга мурожаат қилишининг ёки шериклар розилигини олишининг зарурати йўқ;

- ишга қизиқтирувчи сабабларнинг кўплиги, чунки барча фойда фақат мулкнинг ёлғиз эгасига келиб тушади ва у кўпроқ ишлашга рағбатланади, иш устидан керакли назорат ўрнатиш, эҳтиётлик билан қарор қабул қилиш ва иш кўламини янада кенгайтиришга интилади;

- конфиденциаллик (ишдаги махфийлик) сақланади. Баъзи бир бизнес турларида махсус услуб, йўллар, технологиялар тадбиркорлик фаолиятининг асосий бойлигини (капиталини) ташкил қилади. Хусусий тадбиркорлик махфийликни сақлашга имкон яра-тади;

- хусусий тадбиркорликда унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш нисбатан енгил кўчади (масалан, масъулияти чекланган жамиятлар тузиш).

Хусусий тадбиркорликнинг камчиликлари:

- заиф молиявий пойдеворга эгаллиги. Бу катта миқдордаги капиталларни жалб қилишдаги қийинчиликларга сабаб бўлади;

- хўжалик фаолиятида хавф-хатар ва таваккалчилик юқори даражада бўлганлиги сабабли фаолият давомийлигининг ноаниқлиги;

- барча хўжалик фаолияти учун чекланмаган жавобгарликнинг ҳукм суриши;

- яқка хўжалик мулкнинг мулкни бошқа шахсга (масалан, бошқа оила аъзоларига) беришда ноқулайлиги, ихчам эмаслиги;

- мулк эгасининг ўлими, меҳнатига нолойиқ бўлиб қолиши ёки ишдан четланиши ҳоллари юз берганда яқка хўжалик мулки таркибини сақлаб қолиш мушкуллиги.

Юқорида келтирган камчиликларни бартараф этиш ниятида ишбилармонлар мол-мулки, касб ёки капиталларини қўшиб бирлашадилар.

Давлатнинг иқтисодиётга, шу жумладан, кичик бизнес тараққиётига бевосита таъсир кўрсатиши давлат томонидан шу соҳага тааллуқли қонунлар яратилиши билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Тадбиркорлик тўғриси-да», «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш», «Корхоналар тўғриси»да, «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш» тўғрисидаги қонунлар шу йўлда амалга оширилаётган ижобий ишлар натижасидир. Жумладан, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда бу фаолият билан, айрим категориядаги шахслардан ташқари барча, жисмоний ва юридик шахслар шуғулланиши мумкин, дейилган. Давлат идоралари ва бошқарув муассасаларида ишловчилар, шунингдек, прокуратура ва суд маҳкамалари ходимларининг тадбиркорлик билан шуғулланиши маън этилган. Шунингдек, қонунда корхона раҳбари (ёки иш бошқарувчилари– менежерлар) томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик, у мулкни бошқариш соҳасида мулк эгаси билан бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга

бўлган ва тадбиркорлар учун белгиланган жавобгарликни ўз бўйнига олган ҳолдагина амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кичик бизнесни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратиб “яқин беш-ўн йил ичида ушбу соҳада ялпи ички маҳсулотнинг 50-60 фоизини ишлаб чиқаришга эришиш” вазифасини қўяди ҳамда “бу соҳани ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари ўсишининг энг муҳим манбаларидан бирига айланиши лозим” эканлиги ва “мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлган кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат”лигини уқтириб ўтади. Шу билан бирга “хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш”⁴ устувор вазифа эканлигини таъкидлайди.

Хусусий тармоқни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритганимизда, биз, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўзда тутаётганимизга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Чунки ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хусусий тармоқ, одатда, кичик бизнес, тадбиркорлик ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида ривожланади. Бундай давлатларда хусусий тармоқнинг ЯИМдаги улуши 50-60%ни ташкил этади. Меҳнат билан банд бўлган аҳолининг 65-70%и эса, айнан, мана шу соҳада фаолият кўрсатади. Шу боис биз аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилишини ва у ерларда иқтисодий турмуш тарзи ва фаолликни ошириш нақадар муҳимлигини инобатга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан хусусий секторни, айнан, кичик ва хусусий бизнес фаолиятини ривожлантириш нақадар зарур эканлигини англаб етиш қийин эмас.

Ҳозирги даврда тадбиркорлик бутун бир ижтимоий-иқтисодий воқелик бўлиб, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг жамият ҳамда ваколатли органлар билан иқтисодий муносабатларни амалга оширишнинг кўп қиррали шакллари қамраб олади. Бозор муносабатларининг шаклланиши эса жамиятнинг турли эҳтиёжларини таъминловчи, қондирувчи тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши билан боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, “тадбиркорлик” ва “бизнес” тушунчаларига берилган таърифларни умумлаштириб, қуйидагиларни баён қилиш мумкин. Бизнес тадбиркорликка қараганда анча кенг маънога эга. Тадбиркорликда - фойда (даромад) олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш асосий шарт ҳисобланса, бизнес тушунчаси ушбу муносабатлар билан бирга ўз мулкни ижарага бериш, пулини банкка қўйиш, акцияларга дивидендлар олишни ҳам ўзида акс эттиради. Тадбиркорлик бизнеснинг асосий унсури, унинг асосий негизи ҳисобланади. Тадбиркорликнинг шаклланиши, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши бизнесни ташкил этиш учун хизмат қилади. Тадбиркорлик фаолияти

⁴ И.А. Каримов. Бизнесинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. “Солиқлар ва божхона хабарлари”, 2005 йил 31 январь, 5-сон, 5-б.

бизнеснинг бир шакли сифатида намоён бўлади ва унинг турли соҳаларида амалга оширилади. Бизнес бозор иқтисодиётининг барча иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни қамраб олади ва нафақат ишбилармонларнинг, балки истеъмолчиларнинг, ёлланган ишчиларнинг, давлат тизими хизматчиларининг ҳам хатти-ҳаракатларини ўзида мужассам этади⁵.

“Тадбиркорлик”, “бизнес”, “хусусий тадбиркорлик”, “кичик бизнес” тушунчалари кўпинча бозор иқтисодиётига боғланган ҳолда, унинг унсурлари, унда самарали фаолият юритиш воситалари сифатида талқин этилмоқда. Айни чоғда, бу тушунчалар умумиқтисодий, умумбашарий тушунчалардир, зеро инсоният ва унинг эҳтиёжларини қондириш зарурияти вужудга келибдики, ўз ҳаракатидан, фаолиятидан, бошқалар билан бўлган муносабатлари ва боғлиқликларидан кўпроқ, яхшироқ, олдингидан дурустроқ натижа (самара) олишга интилиб келинган. Бироқ, бу фаолиятларнинг амалда кенг қўлланилиши, янада ривожланиши бозор иқтисодиёти шароитида кенгроқ, оммавийроқ намоён бўла бошлади.

1.2. Республика иқтисодиётини ривожлантириш ва модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг аҳамияти

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳолини иш билан банд этиши ва ўрта синфни шакллантириши каби хусусиятлари хорижий иқтисодий адабиётларда батафсил ёритилган. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, кичик корхоналар иқтисодий ривожланиш, илмий-техника ихтироларини, аҳолининг талабини қондириш учун қўллашда истиқболлидир. Бошқариш соҳасида кичик корхоналарда энг кам харажат қилиниши билан бирга мулк ҳақиқий эгасининг қўлида бўлиб, ундан фойдаланиш, кўпайтириш доимо яхши натижаларга олиб келган.

Кичик бизнес субъектларининг имкониятлари чекланганлиги уларнинг асосий хусусиятидир.

Кичик бизнеснинг юқорида таъкидлаб ўтилган хусусиятлари бозор муносабатларининг шаклланиши ва тараққий этиши шароитида ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан кичик ва хусусий бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш зарур. Уларни ташкил этиш, рўйхатга олиш ва молиялаштириш масалаларида қулай шарт-шароитлар яратиш керак. Кичик бизнес субъектларининг тўла эркинлигини таъминлаш ва улар фаолиятини рағбатлантириш лозим.

⁵ Маматов Б. Носиров Э. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойихаларини молиялаштириш. ТМИ – 2007. 150 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармонларида юқорида билдирилган фикрлар тўла маънода ўз ифодасини топган.

Жумладан, 2003 йил 17 декабрда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгашининг мажлисида “2004-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш дастури”га мувофиқ мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини ошириш, хусусий тадбиркорликка асосланган корхоналарнинг сонини кўпайтириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини яқин 5-10 йил ичида 50-60 фоизга етказиш ҳамда тадбиркорликни фуқароларнинг асосий даромад манбаига айлантириш кабилар белгилаб олинди. Шунингдек, 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва 2011 йил Ўзбекистон Республикасида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниб, давлат дастури қабул қилинганлиги хусусий секторнинг иқтисодиётдаги улуши ва аҳамияти ошишини таъминлайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўзига хос таркибий тузилишга эга. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққиёти тажрибаларини ўрганиш унинг таркибий тузилишида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш имконини беради:

- давлат мулкни хусусийлаштириш йўли билан кичик корхоналарни барпо этиш (чакана савдо, маиший хизмат корхоналари ва пулли хизмат);

- кичик бизнес корхоналари (савдо-воситачилик корхоналари) ташкил этиш;

- монополияни тугатиш ва йирик тузилмалардан кичик бизнесни ажратиб олиш (уй-жой ва коммунал хўжалик);

- яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш ва микрофирмалар, оилавий пудратни шакллантириш; деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таснифлаш бўйича АҚШнинг Кичик бизнес маъмурияти ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусияти ва бошқа омилларга қараб ҳар бир тармоқ учун ишчилар сони таркибини белгиллаган. Шу боис АҚШда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш табақалаштирилган ҳолда амалга оширишга имкон беради. Японияда устав капитали ҳажми ва бандлик сони мезонлари корхоналарнинг тармоқдаги (улгуржи савдо, чакана савдо, саноат, қурилиш) фаолиятига қараб белгиланади. Албатта, бу мезонлар ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади.

Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарини таснифлашда ишчилар сони ягона мезон ҳисобланади ва бу борада ўтган давр ичида анчагина ўзгаришлар рўй берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ халқаро

тажрибада кенг қўлланилаётган рўйхатдаги ходимлар сони кўрсаткичини ягона ва белгиловчи мезон қилиб ажратиб кўрсатилди (2004 йилнинг 1 январига қадар кичик ва ўрта бизнес субъектлари ишчилар сонига қараб яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирма, кичик ва ўрта корхоналардан иборат эди).

2004 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги Фармониغا биноан ўрта корхоналар кичик бизнес тоифасига киритилиши билан унинг таркиби кенгайди. Шу муносабат билан кичик бизнес субъектларига амалдаги қонун ҳужжатларига кўра микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференциялар татбиқ этилди. Мазкур Фармонга мувофиқ корхоналар таснифи қуйидагича белгилаб берилди:

- енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебел саноати ва қурилиш материаллари саноатида - 100 гача;

- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида - 50 гача;


- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳаларда - 25 гача бўлганлар кичик корхона деб юритилади;

- ишлаб чиқариш тармоқларида – 20 гача, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда – 10 гача, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида – 5 гача бўлганлар микрофирма, деб юритилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни, аввало, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришдаги улуши, янги иш ўринларини ташкил этиши, шунингдек экспорт ва импорт фаолиятида иштироки даражаси билан белгиланади.

-расм

Кичик бизнес корхоналарида банд бўлганлар сони, минг киши



Манба: Президентимиз И. Каримов маърузалари асосида таёрланди.

- расм маълумотлаидан кўриниб турибдики, кичик бизнес корхоналарида банд бўлган ишчилар сони 2003 йилда 4162.5 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2011 йилга кели уларни сони 7703,1 минг кишига етган

Шу жумладан. 2011 йилда мамлакатимизда умумий иш ўринларининг 673 мингдан зиёди ёки 68 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келади.

2011 йилга мўлжаллаб қабул қилинган ва мамлакатимиз Парламенти томонидан маъқулланган Республика дастурига асосан 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнини асосан қишлоқ жойларда яратилди.

Бу иш жойларининг 673 мингдан зиёдини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очиш мўлжалланмоқда. 73 мингдан ортиқ иш ўрни транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш натижасида ташкил этилади. Касаначиликни, аввало, меҳнат шартномалари бўйича корхоналар билан кооперация асосидаги касаначиликни, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бандликни таъминлашнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади ва бу қарийб 220 минг кишини иш билан таъминлаш имконини беради⁶.

Японияда барча компанияларнинг 99,6 фоизи, сотилган маҳсулотнинг 55 фоизи ва саноатда банд бўлганларнинг 80 фоизи кичик ва ўрта корхоналар улушига тўғри келади⁷. Бундай юқори кўрсаткичлар кўпчилик

⁶ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи газетаси. 2011 йил 24 январ.


⁷ Цветова И. Опыт Японии: политика стимулирования малого бизнеса, /Инвест-вести/, 1999. №10-11. – С. 18.

тадбиркорларнинг кичик бизнесга жалб этилганлигидан далолат беради. Японияда кичик бизнес соҳаси жуда кўп корхоналарни (оила кўринишидаги уй хўжалигидан бошлаб то замонавий техникалар билан куролланган фирмалар) қамраб олади. Айтиш жоизки, мазкур давлатлар кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнига асримизнинг 70 йилларида муносиб баҳо бериб, унга бўлган эътибор янада кучайтирилиб келинган.

Ўзбекистонда мустақилликдан кейин бу соҳага бўлган эътиборнинг кучайиши ва бевосита давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2011 йил якунлари бўйича 54,0 фоизни ташкил этди.

- расм

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда



Манба: Президентимиз И. Каримов маърузалари асосида таёрланди.

Диаграмма маълумотларидан кўришиб турибдики, бизнинг бу борадаги энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда.

2003 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 35 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 54,0 фоизни ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар

синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти унинг қуйидаги қатор хусусиятлари билан тавсифланади:

- кичик бизнес корхоналари ўзининг тузилишига кўра ва ихчамлиги сабабли йирик корхоналарга нисбатан бозор талабларига тезроқ мослашади;

- иккинчидан, янги иш ўринларини яратиш йирик корхоналарга қараганда кўпроқ фойда беради;

- учинчидан, жамиятда сиёсий барқарорликни кафолатловчи бош омил-ўрта мулкдорлар синфини шакллантиш вазифасини бажара олади;

- тўртинчидан, рақобат муҳитини юзага келтиради ҳамда иқтисодийнинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро алоқани яхшилаши билан моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг самарали тақсимланишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда кичик бизнес ва хусусий корхоналари сонининг ўсиши, ривожланган инфратузилма, давлатнинг фаол қўллаб-қувватлаши иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларни ҳал қилиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омилдир.

1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиясини ташкил этиш ва бошқаришнинг шарт шароитлари

Иқтисодий туб бурилишлар даврига қадар корхоналар режали иқтисодий шароитида ўзларининг ишлаб чиқариш - молиявий фаолиятини маъмурий буйруқбозлик тамойилларига таяниб юритиб келди.

Бугунги кунда иқтисодийнинг бозор муносабатларига ўтиши корхоналарни иқтисодийнинг объектив қонуниятларига буйсунган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишга мажбур этади. Дарҳақиқат, боқимандалик, хўжасизлик, масъулиятсизлик ва корхона миқёсида қабул қилинаётган қарорларнинг натижалари билан ҳисоблашмаслик руҳи авж олган шароитда эскича хўжалик юритиш мумкин эмас эди.

Бундай ҳолатда давлат корхоналарини ушлаб туриш ва уларни молиялаштириш мушкул вазифалардан ҳисобланади. Шу тариқа катта салмоққа эга бўлган давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёни бошланди. Хусусийлаштирилаётган давлат корхоналари турли мулкчилик шакллари кўринишида барпо этилиб, ўз навбатида давлатни мамлакат ишлаб чиқаришидаги ҳажми қисқариб, унинг ўрнига нодавлат сектори ишлаб чиқариши улуши ортиб боришига олиб келмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақлиф этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси»да ҳозирги кунда

юртимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиздан ортигини нодавлат сектор таъминлаётгани қайд этилган. Шу муносабат билан 1991 йилда қабул қилинган “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунни бугун қайта кўриб чиқиш ва унга кўшимчалар киритиш талаб этилмоқда.⁸

Хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида туб бурилишга эришилди.

Кейинги йилларда давлат корхоналари бутунлай, шунингдек, давлат акция пакетларини асосан хусусий мулкдорларга сотиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай экан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини бошқариш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Ушу соҳа бўйича яратилаётган адабиётларда, уларнинг молиявий фаолиятини бошқаришга кўп ҳам эътибор берилмайди. Лекин барча корхоналарда баланс юритиш тизимининг ягоналиги (юримдик мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорлардан ташқари) туфайли, хўжалик юритучи субъектлар нуктаи назаридан ўрганишга қарор қилдик.

Корхоналарда самарали ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, кам харажат сарфлаган ҳолда, юқори фойда олиш айнан бошқарув муносабатлари билан боғлиқ тадбирлардир.

“Бошқарув” деган сўз, бу албатта қарорлар қабул қилиш деган тушунчани англатади. Бошқарув инсон фаолиятининг барча соҳаларига хосдир. Шунингдек, бошқарув илмининг муҳим соҳаларидан бири молиявий фаолиятни бошқариш ҳисобланади. Корхоналар молиясини бошқариш - корхонанинг молиявий фаолиятини бошқариш сифатида, реализациядан тушган тушум ва унинг тақсимот объектлари, молиявий бошқарувнинг асосий объектлари ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида асосий фаолият соҳаларидан бири молиявий менежмент ҳисобланади. Молиявий менежмент-корхоналарда молиявий ресурслар ва капиталларни бошқариш демак. Молиявий менежмент – корхоналар молиявий бошқарувининг тугал мақсадларга эришишга қаратилган тадбирлари тизими. Л.Павлованинг таъкидлашича, «молиявий менежмент - бир томондан аниқ қонуниятлар ва муайян аҳамиятга эга бўлган бошқарилувчи тизим, иккинчи томондан эса – корхона умумий бошқарув соҳасининг бир қисмидир»⁹. Бундан кўриниб турибдики, молиявий менежмент бошқарувчи ва айни вақтда бошқарилувчи бўлиб ҳам майдонга чиқмоқда.

Бошқарув тизими сифатида менежмент бошқарув субъекти ва объекти бўлиши мумкин. Корхонада бошқарув субъекти сифатида молия хизматининг мутасадди ходимлари ёки корхона пул муомаласини ташкил этувчи ходимлар киради. Молиявий фаолият бошқарувнинг турли иерархик поғоналарида турган, хизматчилар ва ижрочилар ўртасида тақсимланиши

⁸ Манба: www.gov.uz

⁹ Павлова Л.Н. Финансовый менеджмент. –М.: Банки и биржи, 1995. С.65

мумкин. Модомики, кичик бизнес бошқарув функцияларининг чуқур тақсимланишини тақозо этмас экан, молиявий менежмент субъекти сифатида корхона раҳбари ва бухгалтери иштирок этиши мумкин. Йирик корхоналарда молияни бошқариш учун махсус бўлимлар - молиявий хизматлар ва дирекция тузилади. Молиявий директор (молиявий масалалар бўйича вице-президент) - бош масъул молиячи. Молиявий бошқарувнинг функциялари, шунингдек молиявий менежер, бош бухгалтер, маъмурий директор, молиявий-савдо хизмати раҳбари, ғазначи, бошқа ваколатли ходимларга топширилиши мумкин.

Молиявий менежментда бошқарув объектларига корxonанинг пул айланмасини ташкил этувчи пул тушумлари ва тўловлар киради. Бошқариладиган пул оқими корхона пул маблағларининг оқиб келиш ва оқиб кетишидан иборат бўлган берк циклини акс эттириб, унинг қиймати сотиш ҳажмига, кредиторлик ва дебиторлик қарздорликка, зарурий захираларга, капитал таркибига, молиявий ресурслар ва ҳ.к.ларга боғлиқ бўлади. Корхона пул маблағларининг оқимлари аниқ манбалар: хусусий капитал, заём воситалар, бошқа пассивларга эга. Воситаларни ишлатиш йўналишлари турли активларни тузишни тақозо этади.

Иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида даромадларини кўпайтириш ва удан самарали фойдаланишда, унинг молиясини бошқаришни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, бозорларни товарлар билан тўлдириш, рақобат муҳитини яратиш, ишсизликка барҳам бериш мамлакат олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларининг қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши билан боғлиқ тадбирлар натижаларини 1-жадвал орқали кузатиш мумкин (1-жадвал).

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнлари қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши¹⁰

Рухсат бериш билан боғлиқ жараёнлар турлари	Тўлов миқдори				Тўлов миқдорининг қисқариши, фоизда
	Аввал амалда бўлган		Янги киритилган		
	Энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда	Энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда	
Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш	5	140200	2	56080	- 60
Банкда ҳисоб рақамини очиш	1	28040	0,5	14020	- 50
Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш	40	1120000	10	280400	- 75
Ер участкасини расмийлаштириш	-	130000	-	58000	- 56
Экологик экспертиза	25	701400	1	28040	- 96
Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза қилиш	10	280400	3	84120	- 70
Қурилиш давомида назорат-ижро сьемкалари ўтказиш	5	140200	3	84120	- 40
Норматив лойиҳаларининг экологик экспертизасини ўтказиш	75	2103000	1	28040	- 98,7
Гигиеник сертификатлар олиш	10	280 400	3	84 120	- 70
Жами тўловлар қиймати (лицензия ва рухсатномаларсиз)	-	5037660	-	830960	- 83,5

¹⁰ Изох: энг кам иш ҳақи миқдори тўловларини қисқартиришга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган даврга нисбатан олинган.

-жадвалдан маълум бўлишича, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларини қисқартириш ва тўловларни оптималлаштириш тадбирлари муваффақиятли амалга оширилган. Масалан, норматив лойиҳалари экологик экспертизасини ўтказиш бўйича тўлов миқдори 75 марта ва экологик экспертиза қиймати 25 марта камайтирилган. Натижада, ҳар бир тадбиркорлик субъекти учун ўз фаолиятини ташкил этишда ўртача 4,2 млн сўмгача маблағларни тежаш имконияти пайдо бўлди

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ҳам бошқариладиган тизим ҳисобланувчи молиявий менежмент сезиларли равишда давлатнинг солиқлар, баҳо, иш ҳақи ва бошқа воситалари орқали таъсир этилиши мумкин бўлган соҳа ҳисобланади.

Солиққа тортиш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бқлиб, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳисобланади. Хурматли, Президентимиз ушбу борада ўтган йили “Тасдиқланган давлат бюджетида ялпи солиқ юкини 1,2 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўловини эса 2010 йилдаги 7 фоиздан 2011 йилда 6 фоизга тушириш мўлжалланган”¹¹.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар унинг суммасини солиқ солинадиган база ва тасдиқланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қиладилар. Бунда солиқ органларига давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бқйича ҳисоб-китоблар алоҳида тақдим этилмайди, шунингдек пенсия, йўл ва мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаларига мажбурий ажратмалар суммалари алоҳида тўланмайди.

Ягона солиқ тўлови фақат кичик бизнес субъектлари – микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар қуйидагилардир:


- 1) микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилганлар мустасно;
- 2) ходимларнинг сонидан қатъи назар:
савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;
хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар;
лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар¹².

Айтиш керакки, бундай иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ. Жумладан, 2011 йилда юридик шахслар учун даромад солиғи 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 6 фоизгача туширилгани бунинг амалий тасдиғидир.

¹¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққийини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи газетаси 2011 йил 24 январ.

¹² Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Солиқ кодекси” тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 йил, 52-сон, (I).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари (фоизда)



Манба: Президентимиз И. Каримов маърузалари асосида таёрланди.

Молиявий менежер, унингдек, корхона учун пул айланмасининг объективлик даражаси ва улар айланувчанлигини тезлаштиришнинг мавжуд резервларини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Корхона айланма воситалари айланишини тезлаштириш резервларини қидириб топиш уларнинг айланиш жараёнидаги ўтиш босқичларини очиқ бериш орқали амалга оширилади. Пул оқимларини самарали бошқариш учун молиявий менежер корхонада пул айланмаси замонавий тизимининг самарали ишлашини таъминлаши керак.

Корхонада пул айланмасини комплекс бошқариш - меъёрлар ва лимитларга асосланиш, ҳисоботларнинг автоматлаштирилган тизими, молиявий-иқтисодий маълумотларни олиш ва қайта ишлов бериш, молиявий таҳлил ва ҳисоб китоблар, бўш турган қўшимча пул ва моддий ресурслар ҳамда пул айланмасини оптималлаштиришни амалга оширувчи вариантли ҳисоблар ва уларга ишлов бериш жараёнларини акс эттиради.

Корхона пул айланмасининг давомийлиги ва самарадорлигини бошқариш тизимининг энг муҳим молиявий босқичлари: ишлаб чиқариш ва маҳсулотни реализация қилиш харажатларини амалга ошириш тизими ва уни меъёрий бошқариш базаси (ишлаб чиқариш харажатларини бошқариш бўйича корxonанинг молиявий сиёсати); авансланган пул воситаларини қидириб топиш ва тўплаш мониторинги, яъни дебитор қарздорлик тизими (корxonанинг кредит сиёсати); корxonанинг вақтинча бўш турган пул воситаларини аванслаш тизими (пул воситаларининг бўш қолдиқларини

бошқариш); блокларда жараёнларнинг бориши ва параметрларидаги фарқлар тўғрисида молиявий хабар бериш тизими (пул воситалари айланмаси устидан ички назорат) ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари устав фондини шакллантиришда, таъсисчилар томонидан улуш сифатида киритилаётган, моддий-ишлаб чиқариш захираларининг ҳақиқий таннархи, амалдаги қонунчилик доирасида пул қийматида ўзаро келишилган нархда белгиланади. Корхона моддий-ишлаб чиқариш захираларини қайтармаслик шарти билан бепул олганда, уларнинг баҳоси ўша пайтдаги бозор нархида баҳоланади. Бошқа ҳолларда, моддий-ишлаб чиқариш захираларини сотиб олиш баҳоси контрагентнинг баланс қийматида баҳоланади.

Шундай қилиб, хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ҳам молиявий менежер, ўз иш фаолиятини кўнгилдагидек ташкил қилса, ушбу корxonанинг молиявий фаолияти яхшиланиб даромад манбаларининг ошишига хизмат қилиши мумкин.

2 - боб Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини молиясини ташкил этиш ва бошқаришнинг амалиёти тахлили
2.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини молиясини бошқаришнинг бугунги кундаги ҳолати тахлили

“Мамлакатимизда 2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилиниши барчамизнинг зиммамизга қандай улкан масъулият юклаши, бу борада тайёрланаётган умумдавлат Дастурини ҳаётга татбиқ этиш биздан қанча куч ва маблағларни сафарбар этишни талаб қилиши ҳақида бугун гапириб ўтиришнинг, ўйлайманки, зарурати бўлмаса керак, биз ҳаммамиз, “мана шу залда ўтирганлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда қанчалик ўта муҳим рол ўйнашини албатта чуқур англаймиз”¹³.”- деб таъкидлаган эди Президентимиз И.А. Каримов.

Шу муносабат билан иқтисодиётнинг ушбу соҳаси юртимизда қандай қатта суръатлар билан ривожланиб бораётганини юқорида қайд этиб ўтдик. Бу ўринда 2011 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етиши ушбу соҳани мамалакат иқтисодиётида тутган юқори ўрнини белгилаб беради.

2011 йилда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига махсус квоталар ажратиш орқали кичик бизнеснинг давлат харидлари тизимидан фойдаланишини кенгайтириш борасида алоҳида механизмни ишлаб чиқиши ва амалда қўллаши, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очиқ электрон тизимни босқичма-босқич жорий этиш йўлга қўйилди.

Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириши натижасида 2011 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг ушбу секторига ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробар кўпайди.

Ўзбекистон банклар ассоциацияси тижорат банклари билан ҳамкорликда Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатлари тайёрлашни молиялаштириш жамғармасини ташкил қилишини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини бизнес режа ва инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишлари учун қулайликлар яратди, яъни кичик бизнес субъектларининг бизнес режаларини тайёрлаш сарф-харажатларини камайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва кредитлар бериш муддатларини қисқартириш имконини берди.

Республикаимизда кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдирилиши кичик корхоналар учун ташқи савдо

¹³ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи газетаси. 2011 йил 24 январ

операцияларини расмийлаштиришдаги ортиқча ички процедураларни бартараф этилиши, кичик бизнес соҳаси маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятларини янада оширди. Шунинг тан олиш керакки, ҳар қандай кичик корхона ҳам ўз маҳсулотлари билан ташқи бозорга мустақил равишда чиқа олиш имкониятлари жуда паст. Чунки бунинг учун катта сарф-харажатлар керак бўлади, хорижий мамлакатлар бозорининг ҳолати ва қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида етарлича ахборот ва билимларга эга бўлиш талаб этилади. Бу борада Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги “Ўзстандарт” агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда кичик бизнес корхоналарига ташқи бозорларда ўз маҳсулотларини сотишга кўмаклашадиган, маркетинг хизматларини ташкил этиши, ҳамда сертификат ва рухсатномалар олишни расмийлаштиришни соддалаштирилиши тадбиркорларга янада қулайликлар яратди.

2011 йилга мўлжаллаб қабул қилинган ва мамлакатимиз Парламенти томонидан маъқулланган Республика дастурида 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнини асосан қишлоқ жойларда яратиш кўзда тутилган эди ва бу дастур амалга оширилиши натижасида қишлоқ жойларида иш билан банд бўлганлар сони кескин ошди.

Бу иш жойларининг 600 мингдан зиёдини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очиш мўлжалланмоқда. 73 мингдан ортиқ иш ўрни транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш натижасида ташкил этилди. Касаначиликни, аввало, меҳнат шартномалари бўйича корхоналар билан кооперация асосидаги касаначиликни, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бандликни таъминлашнинг муҳим йўналиши бўлиб қолди ва бу қарийб 220 минг кишини иш билан таъминлаш имконини берди.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз тадбиркорлари қонунчилик базасининг мунтазам такомиллаштирилаётгани боис халқаро нормаларга мос келадиган катта иш тажрибасига эга бўлди.

Бу борада Ўзбекистонда ишлаб чиқиладиган хусусийлаштиришга оид аниқ дастурларга кўра, инвестиция киритиш, юқори қўшимча қийматга эга замонавий, экологик ишлаб чиқаришларни ёки хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил қилиш шarti билан давлат активларининг тўғридан-тўғри муайян инвесторларга берилаётгани эътиборга молик.

Давлат активларини сотишдан кўзланган стратегик мақсад тўғри эканини корхоналарни бошқараётган инвесторларнинг фаолияти натижалари ҳам тасдиқламоқда. Сингапурнинг «Индорама Индустрй Пте Лтд» компаниясининг қурилиши тугалланмаган «Кўкон тўқимачилик комбинати» давлат корхонасини сотиб олгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Инвестор корхона қурилишини охирига етказиш ва унга 2010-2013 йилларда йирик маблағ сарфлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

2013 йил охирида янги йигириш технологиясини жорий этиш ҳисобидан корхона лойиҳа бўйича йилига 16-20 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади ва бунинг натижасида ҳар йили

26-32 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнига 500 нафардан ортиқ киши жалб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Қўқон шаҳридаги бўш ётган биноларининг хусусийлаштирилиши бу борада яна бир қизиқарли мисол бўла олади. Бу бинолар бўлажак инвесторга 740 миллион сўмга сотилган. Инвестор, ўз навбатида, икки йил давомида қиймати 3,8 миллион доллар миқдорида инвестиция киритиш мажбуриятини зиммасига олган. Айти пайтда лойиҳа ниҳоясига етказилмоқда. Унинг амалга оширилиши натижасида автомобилсозлик саноати учун йилига бир миллион дона импорт ўрнини босадиган бутловчи материаллар ишлаб чиқариш қувватига эга қўшма корхона ташкил этилади. Корхонада 50 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланади.

Иқтисодиётимиз реал секторига нафақат хорижий инвесторларни, балки ўз капиталимизни ҳам жалб қилиш мақсадида ҳукуматимизнинг қарорига биноан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган, аммо бўш ётган, фаолият кўрсатмаётган ва қурилиши ниҳоясига етказилмаган давлат мулки объектлари инвентаризация қилинди. Унинг яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилнинг 8 июлида «Ишламаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари негизида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 57 давлат мулки объекти тендер савдоларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция мажбуриятларини олиш шarti билан нолга тенг қийматда сотилиши лозим эди.

Бу тез орада ўз натижасини берди. Тендер савдоларининг дастлабки кунида банкротга учраган «Манғит йигирув-тўқув фабрикаси» корхонаси (Қорақалпоғистон Республикаси) сотилди. Танлов савдоси иштирокчиларининг бизнес-лойиҳаларини кўриб чиқиш натижасида объект қисмларга бўлинган ҳолда икки инвесторга сотилди. Инвесторлар биргаликда 29 миллион доллар ва 1 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Бунинг натижасида 330 нафардан ортиқ киши доимий иш билан таъминланади.

Бундан ташқари, «Бухоропахтасаноат» корхонасига банкротга учраган «Бухоротекс» очиқ аксиядорлик жамияти корхонаси сотилди. Инвестор 250 иш ўрни яратиш ва 23 миллиард сўм инвестиция киритиш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Мухтасар айтганда, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарорининг бажарилиши яхши самара бермоқда. 2011 йилда сотилган 17 объект бўйича инвесторлар томонидан қиймати 40,7 миллиард сўм ва 67,8 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш мажбуриятлари олинган. Ушбу объектлар негизида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб

чиқарадиган замонавий корхоналар ташкил этилди ва 2200 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди¹⁴.

2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида» қабул қилинган қарорига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат харидлари тизимида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди¹⁵.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарларининг еътибори «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг барча тадбирлари амалда бажарилишини сўзсиз таъминлаш, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширилди. Мазкур масалани тегишли вазирликлар ва идораларга максимал даражада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хусусий мулкнинг устуворлигини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштириш, рухсат бериш тартиботларини ва тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат органларининг аралашувини кескин қисқартиришни таъминлаш юзасидан қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

2.2. Кичик бизнес корхоналари молиясини бошқаришда кредитнинг роли ва уни таҳлили

Кичик бизнес корхоналарини молиялаштириш ва уларни амалга оширишда банк кредити алоҳида аҳамиятга эга. Чунки лойиҳаларни амалга ошириш ва ривожлантириши учун, биринчи галда, маблағ зарур бўлади. Бундай маблағга эга бўлишнинг асосий йўлларида бири кредит олишдир.

¹⁴ Манба: www.gov.uz

¹⁵ <http://infoman.uz/2011/04/vm-2011/>

Банк кредити орқали илғор технологияга асосланган ишлаб чиқариш жорий этилади, янгидан-янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, шунингдек янги корхоналарнинг барпо этилишига, янги иш ўринларининг кўпайишига эришилади.


Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормоқда

Кичик корхоналарнинг молиялаштирилиши қуйидаги ички ва ташқи манбалар орқали амалга оширилиши мумкин:

- молиялаштиришнинг ташқи манбалари – бюджет маблағлари, мақсадли банк кредитлари, акциялар эмиссиясининг маблағлари, лизинг, тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари, маънавий бойликлар, бюджетдан ташқари ва нотижорат жамғармалар маблағлари;
- молиялаштиришнинг ички манбалари – фойда, амортизация тўловлари, тўпланган пуллар ва тадбиркорларнинг жамғармалари, суғурта фаолиятдан олинган маблағлардан иборатдир.

- расм

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори (млрд.сўм)



Манба: Президентимиз И. Каримов маърузалари асосида таёрланди.

- расм маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банкларнинг ажратган кредитлари

салмоғи йилдан йилга ошиб бормоқда. Хусусан ушбу кўрсаткич 2007 йилда 744,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлса 2001 йилга келиб ушбу кўрсаткич 3510,0 млрд сўмни ташкил этган ва буни биз ижобий ҳолат сифатида қарашимиз мумкин.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда кичик бизнесни мажмуавий жиҳатдан молиявий қўллаб – қувватлашнинг давлат молиявий ресурслари, хорижда муваффақиятли қўлланилаётган усул ва дастаклар, шунингдек, маҳаллий шароитларнинг ўзига хос хусусиятларини қамраб олган манбалар ҳамда чет эл кредит тизимларини қўлловчи ягона тизими ишлаб чиқилган.

Ҳозирги пайтда кичик бизнес томонидан банк хизматларига талабнинг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Шунинг учун, банк тизимининг асосий вазифаси кредит бериш тартибини такомиллаштириш ҳамда иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштиришни кенгайтириш ва қайта ташкил этилаётган корхоналарни қўллаб – қувватлашга қаратилган кичик бизнес ривожини рағбатлантиришнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳисобланади. Кредит талабномаси ва ҳужжатлар айланиши ҳажмини кўриб чиқиш, муддатларини қисқартириш бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқилди. Кредитлашнинг янги тартибларига мувофиқ, кредит талабномасини расмийлаштириш учун кичик бизнес субъектларига фақатгина иккита ва учта ҳужжат талаб этилади. Талабномаларни кўриб чиқиш муддатлари беш – ўн иш кунигача қисқартирилди. Ушбу чора сансалорликни кескин камайтиришга ва суистеъмолчиликни бартараф қилишга имкон берди. Натижада, жуда кўп тадбиркорлар керакли молиявий манбаларга эга бўлишди.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини ташқи молиялаштиришнинг бир нечта имтиёзли механизмлари мавжуд.

1. Банклар томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар орқали кредитлаш. Кредитлашнинг бу турида тижорат банклари қарзларни (ссуда) ўз маблағлари ҳисобига эмас, балки иш билан банд этишга кўмаклашиш жамғармаси, деҳқон ва фермер хўжаликларига кўмаклашиш жамғармаси ва бошқа ташкилотлар маблағлари ҳисобига берадилар. Бу жамғармалар корхоналарнинг ўзлари берган чегирмалари, давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ва давлат бюджетига тушаётган бошқа фойдалар ҳисобига молиялаштирилади. Жамғармаларнинг маблағлари банклар томонидан кичик бизнес субъектларига субсидияли кредитлар шаклида берилади. Кредитнинг мақсадига, имтиёзли фоиз ставкаларига қараб кредитлар берилади, лекин ҳар қандай шароитда у Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаларидан анча кичик бўлади.

2. Имтиёзли кредитлаш – жамғармалар томонидан ўз даромадларини бир қисмини захира қилиш йўли билан ташкил этилади. Ушбу маблағлардан берилган кредитлар эвазига, ҳукумат банкларга солиқ солишда бошқа имтиёзлар тақдим этади. Ушбу жамғармалар ҳисобига берилган кредитларга, кредитнинг ҳақиқий берилган муддатига фоиз ставкалари Марказий банк белгилаган қайта молиялаштириш ставкаларининг 50 фоиздан ошмаган миқдорида бўлади ва тадбиркорлик субъектларига

инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш фойдали бўладиган талабларда берилди.

3. Кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш.

Молиялаштириш манбаларидан қатъи назар (кредитлаш банкнинг имтиёзли кредитлашнинг захираланган маблағлари ҳисобига эмас, ўз маблағлари ҳисобига бажарилаётган бўлса ҳам), микрокредитлашнинг фоиз ставкалари Марказий банк қайта молиялаштириш ставкаларидан ошмаслиги керак. Хусусий сектор корхоналари учун микрокредитлашнинг яна бир афзаллиги шундаки, бунда ушбу шаклдаги кредитларнинг 50 фоизгача маблағлари нақд пул ҳисобида берилиши мумкин. Бошқа томондан, ҳатто бошқа мамлакатларда микромолиялаштиришдан фойдаланишнинг классик йўналиши мавжуд бўлса ҳам, микрокредитлардан савдо фаолиятини молиялаштириш учун фойдаланиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди.

Хусусан:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмайдиган муддат қилиб белгиланди;

- тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди;

кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди;

имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар беришдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди.

Давлат дастури доирасида тижорат банкларининг барча филиалларида “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди, банкларнинг мунтазам янгилаб туриладиган веб-сайт ва порталлари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ахборот хизмати кўрсатиш тизими кенгайтирилди.

Яратилган шароит ва имтиёзлар натижасида тижорат банклари томонидан мазкур соҳа вакилларига кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб, сифати ошиб бормоқда.

Жумладан, 2011 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробарга ошиб, 4,0 трлн. сўмни ташкил этди ва мазкур маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291 мингтадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Ажратилган микрокредитлар ҳажми 752,3 млрд. сўмни ташкил этиб, мазкур кўрсаткич 1,5 баробарга ўсди.

Давлат дастурига мувофиқ, турли соҳа ва йўналишлар учун кредитлар ажратиш истиқболли кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланди. Жумладан:

- озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга 712,4 млрд. сўм;
- ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадларига 724,0 млрд. сўм;

- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 351,1 млрд. сўм;

- касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиш учун имтиёзли шартлар асосида 25,6 млрд. сўмлик микрокредитлар;

- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига йирик шохли қорамол сотиб олиш учун 59,7 млрд. сўм;

- тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармалари маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига 31,2 млрд. сўм;

- оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 54,1 млрд. сўм миқдоридаги кредитлар ажратилди.

Шунингдек, “Микрокредитбанк” АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 159,7 млрд. сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар ҳукуматларининг 143,4 млн. АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит линиялари ва грантлари ўзлаштирилди.

Нақд пулсиз чакана ҳисоб-китоблар – банк пластик карточкалари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2012 йил 1 январь ҳолатига муомалага чиқарилган банк карточкалари сони 8,3 млн. донага етди, чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони эса қарийб 100 мингтани ташкил қилди¹⁶.

Ўз навбатида, 2011 йил давомида пластик карточкалар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 9,2 трлн. сўмни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 1,6 баробарга ошди.

Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини тўлиқ тўлов терминаллари билан жиҳозлаш, аҳолини етарли миқдорда пластик карточкалар билан

¹⁶ “2011 йилдаги макроиқтисодий ҳолат ва реал сектор таҳлили” Марказий банкнинг йиллик ҳисоботи. www.cbr.uz.

таъминлаш мақсадида пластик карточкалар ва тўлов терминалларини республикамизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, банк карточкалари орқали тўловларнинг ўтказилишини янада тезлаштириш мақсадида, Ягона Умумреспублика Процессинг Маркази ускуна ва дастурий таъминотлари янгиланиб, «Uzkart» банклараро тўлов тизимини янги технологик платформасига ўтказиш ишлари жадал олиб борилмоқда

Кредитнинг истиқболли ва ўз вақтида ишлатиладиган тури лизингдир. Бизнинг назаримизда тижорат банкларида кредит олиш кичик корхоналар учун кафолатлаш тизимини ташкил қилиши билан бир қаторда, лизинг тўловларини қайтаришда ҳам кафолат тизимини яратиш мақсадга мувофиқ бўларди. Лизингнинг асосий афзаллиги шундаки, ўз ишини бошлаётган тадбиркор асосий воситасини сотиб олиш учун пул маблағларининг керакли қисмига эга бўлиши мумкин. Лизинг корхонага керакли асбоб – ускуна олишга имконият беради.

Ўзбекистонда лизинг лицензияланган фаолият турларига кирмайди, шунинг учун лизинг муомалалари билан фақатгина махсус компаниялар эмас, балки тижорат банклари ҳам шуғулланишади.

Бизнинг фикримизча, бир томондан, маълум вақт ичида корхоналар ихтиёрида бўлган барча пул маблағлари молиявий маблағлар ҳисобланади ва корхоналар улардан бир хилда самарали фойдаланишлари лозим; иккинчи томондан эса корхонанинг ўз ва қарз маблағларининг манбалари алоҳида ҳисобга олинмоғи лозим. Корхона молиявий маблағлари манбаларининг ўз ва қарз маблағларга бўлиниши мулк эгаси манфаатлари нуқтаи-назаридан қулай ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларнинг самараси, иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш натижаси, кўп ҳолларда, кичик бизнесни кенг ривожлантириш билан узвий боғланиб бормоқда. Бу соҳани жадал ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кичик бизнес инвестиция лойиҳаларини бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобига молиялаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Шаклланаётган бозор иқтисодиёти тараққиётининг шиддатлилиги ва ўтиш даврига хос объектив зиддиятларнинг мавжудлиги кўпчилик корхоналарни тўловга лаёқатсизликка ва инқирозга юз тутишга олиб келади. Бу шароитларда молиявий маблағларнинг моҳиятини фақатгина пул маблағларининг ташкил топиш манбаи сифатида тушуниш уларнинг бозор иқтисодиёти шаклланиши ва тадбиркорлик фаолиятининг тараққиётидаги роли ва аҳамиятини тўла ёрита олиш имконини бермайди ҳамда корхоналар молиявий маблағларини оқилона бошқаришнинг аҳамиятини тушуниб етмасликка олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес лойиҳаларни кредитлашда лизингдан кенг фойдаланиш учун лизинг инфратузилмасини кенгайтириб бориш талаб этилади ва бундай ҳаракатлар, нафақат лизингнинг ривожланишига, шунингдек кичик бизнеснинг янада тараққий этишига хизмат қилади. Бу эса ҳукуматимизнинг кичик бизнесни ривожлантиришни

кўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган изчил тадбирларининг яққол ифодаси бўлиб қолади.

2.3. “Орзу” кичик бизнес корхонасини молиявий фаолияти таҳлили ва уни бошқариш

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотлар фаолият юритишларини маблағ билан таъминлаш иқтисодий муаммолардан бири бўлиб, катта таваккалчиликни талаб этади. Сарфланган маблағларни қайтариш, қоплаш муддати қанчалик узоқ бўлса, бу хавф даражаси ҳам шунчалик ошиб боради. Чунки, бу муддат ичида бозор конъюнктураси ҳам, нарх-наволар ҳам, иш ҳақи тўловлари ҳам зимдан ошиб боради. Шунинг учун, иқтисодиёт барқарор бўлмаган шароитларда (айниқса, бу ҳолат нафақат айрим товар бозори, балки бутун мамлакат учун хос бўлса) харажатлар тезроқ қопланадиган самарали лойиҳаларга маблағ сафлаш мақсадга мувофиқдир.

Баланс маълумотларида ишлаб чиқаришни узлуксиз олиб бориш учун зарур булган ва ҳисобот тузиш даврига киймат шаклидаги мол-мулк ҳамда уни қоплашга жалб қилинган манбалари ўз аксини топади. Бу курсаткичлар мол-мулк хажми, таркиби ва кийматини қай даражадалигини ифодалайди. Шунингдек мол-мулкнинг молиялаштириш манбалари, яъни узига тегишли манбалар ва четдан қарзга жалб қилинган манбалар ҳолати ҳам пассивда келтирилган. Балансдаги ҳар бир банд ва булим кодҳоналарнинг молиявий ҳолатига боғлиқ, шунинг учун ҳам уни чуқур урганиш лозим.

Баланснинг актив қисми асосий ва айланма маблағларнинг ҳолатини кўрсатиб, молиявий хужалик жараёнини юритиш вазифасини бажаришда бу мулклардан фойдаланади. Мулк тупланган молиявий ҳамда давлат ташкилотлари маблағи, хусусий шахслар жамғармаси, ҳиссадор ва таъсисчиларнинг улуши, банк кредити, чет эллик сармоядорлар ва ҳақозо маблағлар эвазига сотиб олинади. Айрим ҳолларда таъсисчилар асосий восита ва моддий бойликларнинг узини бериши ҳам мумкин. Асосий ва айланма маблағлар ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксиз юритишга хизмат қилади. уз-узидан бу фаолият давомида узгаради, ҳаракатда булади ва таркиби янада янгиланади.

1-жадвал

“Орзу” МЧЖнинг бухгалтерия баланси актив моддаларининг таҳлили

№	Мол-мулкнинг таркиби	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)		
		минг сум	%	минг сум	%	Минг сум	%	Йил бошига нисбатан %
1	Узоқ муддатли	80 819	71,8	85 889	59,4	5 070	-12,4	4,5

	активлар							
2	Оборот активлар	31 718	28,2	58 615	40,6	26 897	12,4	23,9
	Шу жумладан							
а)	Захира ва харажатлар (140+190+200)	29 106	25,9	26 356	18,2	-2 750	-7,6	-2,4
б)	Пул мабағлари ва қимматли қоғозлар (320+370+380)	36	0,0	32 259	22,3	32 223	22,3	28,6
в)	Дебиторлар(210+310)	2 576	2,3	-	-	-2 576	-2,3	-2,3
	Баланс активининг ЖАМИ	112537	100,0	144 504	100,0	31 967	-	28,4

Манба: “Орзу” МЧЖнинг бухгалтерия баланси маълумотлари

Жадвал маълумотларига кўра, корхона активлари йил бошига нисбатан 31 млн. 967 минг сўмга ёки 28.4% га кўпайди. Корхона фаолияти учун корхона активларининг кўпайганлиги ижобий ҳолдир. Активнинг кўпайиши оборот активлари ҳисобига бўлган йил охирига келиб 26 млн. 897 минг сўмга ўсган. Унинг жами активдаги салмоғи 12.4 % га кўпайган. Захира ва харажатлар йил бошига нисбатан 2 млн. 750 минг сўмга камайган. Бу йил бошига нисбатан 2.4% га камайган. Жами активлар таркибига кўра, захира ва харажатлар йил бошига нисбатан 7.6% га камайган, узоқ муддатли активлар ҳам йил бошига нисбатан 12.4% га камайган. Бу корхона фаолияти учун салбий ҳолатдир.

Корхона мулки ва маблағларнинг келиб чиқиш манбалари балансинг пассивида курсатилади. Булар узига қарашли ва четдан жалб қилинган манбаларга ажратилади. Жалб қилинган манбаларга банк кредитлари ва кредиторлик қарзлари қиради.

Пассив ҳам худди актив қисм қаби икки булимдан иборат. Пассивнинг «Устав капитали» бандида ҳужалик фаолиятини юритиш учун ажратилган маблағлари курсатилади. хиссадорлик жамиятларида эса ҳар бир катнашчининг уушган хиссаси устав фондида курсатилади. Дивидент сифатида таусимланадиган соф фойда ҳажми ҳам қушилган хиссага қараб аниқланади. Демак, устав фонди бозор иктисоди шароитида юридик шахс сифатида корхонанинг узига тегишли маблағи ва акционерларнинг қушган хиссасидан иборат бўлади. ҳар бир катнашчи шахсий хиссасига қараб корхонанинг ҳужалик ва молиявий фаолиятига аралашади. ҳамкорликдаги, хиссадорлик, қушма ва кичик корхоналарнинг низом жамғармаси ҳажми катнашчилар қушган бадаллар миқдорига боғлиқ бўлади. II булим пассивини урганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу булимда қиска муддатли банк кредитлари ва қарзларни, корхона ишчи-хизматчилари учун банк кредитлари, товарлар, бажарилган ишлар, хизматлар учун, берилган векселлар, меҳнатга ҳақ тулаш буйича, ижтимоий химоялаш, суёурта, таъминот, мулкӣ ва

шахсий суёурта, бюджет билан, ундан ташкари туловлар, шуъба корхоналари ва бошқалар билан буладиган ҳисоб-китоблар курсатилади. Булардан ташкари харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар, кузда тутилган даромадлар, харажатлар ва туловлар захираси, даргумон қарзлар буйича захиралар ва бошқа қисқа муддатли пассивлар ҳам ушбу булимда акс этирилади. Шу булим пассивида жуда қўп бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблари кредит қолдиғи келтирилади. Қорхона балансини урганишда асосий эътибор йил бошида утган даврда мулк ва маблағларнинг қанчалик ўзгарганлиги ҳамда активдаги ҳар бир банд пассивдаги манбаларни қанчалик таъминлаганлигига қаратилади

2-жадвал

“Орзу” МЧЖ нинг бухгалтерия баланси пассив моддаларининг таҳлили

№	Мол-мулкнинг таркиби	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)		
		минг сум	%	минг сум	%	Минг сум	%	Йил бошига нисбатан %
	1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8
1	Ўзлик маблағлари манбалари	87 288	77,6	105 147	72,8	17 859	-4,8	15,9
2	Мажбуриятлар	25 249	22,4	39 357	27,2	14 108	4,8	12,5
	Шу жумладан							
а)	узқ муддатли кредит ва қарзлар (570.580.590)	-	-	-			-	-
б)	қисқа муддатли кредит ва қарзлар 730.740	20 000	17,8	-		-20 000	-17,8	-17,8
в)	Кредиторлик қарзлари (770)	5 249	5	39 357	27	34 108	23	65,0
	Баланс пассивининг ЖАМИ	112 537	100,0	144 504	100,0	31 967	0,0	28,4

Манба: “Орзу” МЧЖнинг бухгалтерия баланси маълумотлари

Жадвал маълумотларига кўра, жами маблағлар йил бошига нисбатан 31 млн. 967 минг сўмга ёки 28,4% га кўпайган. Ўзлик маблағларининг манбалари ҳисобот йили бошига нисбатан 7 млн. 859 минг сўм кўпайган. Мажбуриятлар ҳам йил бошига нисбатан 14 млн. 108 минг сўмга кўпайган.

Жами манбаларга нисбатан мажбуриятлар бўйича режанинг бажарилиши 4.8 % кўпайган. Корхонанинг узок муддатли кредит ва қарзлар мавжуд эмас. Қисқа муддатли кредит ва қарзлар жами йил бошига нисбатан 17.8 % камайган. Кредиторлик қарзлар 34 млн. 108 минг сўмга кўпайган. Жами йил бошига нисбатан бу кўрсаткич 65% га фаолияти учун салбий таъсир кўрсатади.

Баланс маълумотларига қараб корхонани айланма маблағлари қандай манбалар ҳисобига ташкил этилганлигини ўрганилад. Бундай таҳлилнинг зарурлиги шундаки, корхоналарни олиявий мустақиллиги, барқарорлиги, кредит олишга лаёқатлилигини аниқлашда ўзлик манбалар билан таъминланганлик кўрсаткичи муҳим аҳамиятга эгадир. Қуйидаги жадвалда захира ва харажатларни қоплаш ўзлик манбаларининг етарлилигини аниқлаш услуги келтирилган.

3-жадвал

“Орзу” МЧЖ нинг захира ва харажатларини қоплашга тегишли манбалар билан таъминланганлигининг таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Фарқи
	1	2	3	4=3-2
1	Ўзлик маблағларнинг манбалари	87 288	105 147	17 859
2	Узок муддатли активлар	80 819	85 889	5 070
3	Захира ва харажатларни қоплашга тегишли узлик манбалари (1-2)	6 469	19 258	12 789
4	Узок муддатли кредит ва қарзлар	-	-	-
5	Захира ва харажатларни қоплашга тегишли узлик ва узок муддатли қарз маблағлари (3+4)	6 469	19 258	12 789
6	Қисқа муддатли кредит ва қарзлар	20 000	-	- 20 000
7	Захира ва харажатларни қоплашга тегишли жами манбалар (5+6)	26 469	19 258	-7 211
8	Захира ва харажатларнинг жами	29 106	26 356	-2 750
9	Захира ва харажатларни қоплашга узлик манбаларнинг етарлилиги ёки етишмаслиги (3-8)	- 22 637	-7 098	-15 539
10	Захира ва харажатларни қоплашга узлик ва узок муддатли қарз манбаларининг етарлилиги ёки етишмаслиги (5-8)	- 22 637	-7 098	-15 539
11	Захира ва харажатларни қоплашга жами манбаларнинг етарлилиги ёки етишмаслиги (7-8)	-2 637	-7 098	-4 461

Манба: “Орзу” МЧЖнинг бухгалтерия баланси маълумотлари

Маълумотларга кўра, корхонада ҳисобот даври бошида захира ва харажатларни қоплашга ўзлик манбалари 22 млн. 637 минг сўм етишмаган бўлса: йил охирида бу кўрсаткич 7 млн 98 минг сўм етмаганлигини кўришимиз мумкин. Йил бошига нисбатан бу кўрсаткич 15 млн. 539 минг сўмга камайган.

Корхонада ҳисобот даври бошқа захира ва харажатларни қоплаш нобарқарор, яъни корхона захира ва харажатларининг фақатгина қисқа муддатли қарз манбалари ҳисобига қоплай олган ҳалос. Корхона захиралари ва харажатларни қоплашга ўзликманбалари 22 млн. 637 минг сўмга етишмаган. Ҳисобот йил охирида захира ва харажатларни 7 млн. 98 минг сўмга қопланмаган. Корхонада қисқа муддатли қарзлар йил охирида 7 млн. 98 минг сўмга камайган. Бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 4 млн. 461 минг сўмга камайган. Бу ҳолат корхонанинг молиявий барқарорлик ҳолати тўлалигича яхшиланмаган. Корхона фаолияти учун бу ҳолатни салбий ҳолат деб боҳолаш мумкин.

3- боб Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини молиясини бошқаришни такомиллаштириш йўллари

Жаҳон амалиёти ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, янги иш ўринларини барпо қилишда, бозор ўзгаришларига нисбатан тез мослашишда ва мулкдорлар синфини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга ва юқори самарадорликка эга эканликларини тасдиқламоқда. Кўпчилик мамлакатларда кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрнига, унинг тадбиркорликни ривожлантиришдаги ва бозор муносабатларини шакллантиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини молиясини бошқариш, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни раобатбардош ва сифатли масулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ масадга йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш масадида, шунингдек, 2011 йил Ўзбекистон Республикасида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан қўйидаги йўналишларга асосланган Давлат дастури қабул қилинган.¹⁷ Улар қўйидагилар ҳисобланади:

- Мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпро эркинлик бериш, давлатнинг бошарув функциялари ва руҳсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиарадиган масулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш;

- давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисартириш;

¹⁷ Манба: “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 14 декабрдаги Ф-3539-сон фармони, 2011 йил 7 феврал <http://gov.uz/uz/year/>

- кичик корхоналар ташкил илиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, кичик бизнес субъектларини куриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, нотураржой хоналари ва зарур ер участкаларини ажратиб бериш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференсиялар бериш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмини такомиллаштириш ва унификациялаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланич сармойани шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узок муддатли кредитлар бериш;

- кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, авваламбор, халқаро молия институтларининг кредитларини ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва йўналтириш;

- саноат тармоларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишини рабатлантириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консултатив кўмак бериш тизимини янада ривожлантириш ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу дастурда белгиланган тадбирларни сифатли амалга ошириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши ҳам белгилаб қўйилган:

- тадбиркорларнинг ўз ишини очиши билан боғлиқ масалаларда содир бўлаётган аниқ ўзгаришларга;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари – энергия ва газ таъминоти, сув ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа тармоқларга уланиши бўйича шарт-шароитларнинг яхшиланиши ва муддатлари қисқартирилишига;

- тадбиркорлик субъектларига ер участкалари, шунингдек, нотураржой хоналар ажратиб бериш билан боғлиқ ҳолат қанчалик яхшиланганига;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини текшириш ва боша ортикча чеклашларни, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини қисартириш борасидаги ишларнинг аҳволи қай тарзда ўзгараётганига;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилиши билан боғлиқ ишларнинг аҳволи қанчалик ўзгарганига алоҳида эътибор қаратиш кабилардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида» 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сон қарорига мувофиқ ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни молиялаштиришнинг, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишнинг муҳим воситаси сифатида микромолиялаш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус Жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан олинган тижорат банкларининг даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан юридик шахслар фойдасидан тўланадиган солиқдан 2011 йил 1 апрелдан бошлаб 2016 йилнинг 1 январигача озод этиш таклифи қабул қилинди, шу билан бирга тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус Жамғармаси маблағлари асосан олис ва етиб бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек меҳнат ресурслари керагидан ортиқ бўлган туманлар ҳамда шаҳарлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида, ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларида юқори технологик ва инновацион лойиҳаларни молиялаш учун ажратилади.¹⁸

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани натижасида унинг иқтисодий тизимиздаги улуши тобора ортиб, жамият раванқи, аҳоли фаровонлигини юксалтиришдаги ўрни мустақамланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу борада тадбиркорлар учун янада кенг шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мазкур йўналишдаги яна бир муҳим амалий қадам бўлди.

Шу маънода тадбиркорларга кенг имконият яратиш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборидадир. Айниқса, тадбиркорлик субъектларини текшириш йилдан-йилга такомиллашиб, қисқартирилаётгани муҳим аҳамият касб этаётир. Президентимизнинг номи қайд этилган фармони бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим омил

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни қўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 10-11-сон, 98-модда) www.lex.uz

бўлиши шубҳасиз. Чунки тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши янада кучайтирилади. Эндиликда давлат ва назорат органларининг қорхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашуви кескин қисқартирилади, текширишларни ташкил қилиш тизими янада такомиллаштирилади ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлиги янада кучаяди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг тартибга солиниши баробарида текширишлар сони йилдан-йилга қисқартирилмоқда. 2001 йилда 226 мингдан кўпроқ тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатган бўлса, ўша йили улар фаолиятини текширишлар сони қарийб 75 мингтани ташкил этган. 2011 йилда эса тадбиркорлик субъектлари сони 470 мингдан ошгани ҳолда мавжуд субъектларнинг атиги бир фоизида режали текширишлар ўтказилиши мўлжалланган. Давлатимиз раҳбарининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига биноан бу рақам янада қисқариши кутилмоқда.

Айтиш жоизки, текширишларнинг камайиши тадбиркорларнинг вақтини беҳуда олиш, кайфиятига салбий таъсир кўрсатиш каби ҳолатларга барҳам бериб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун янада кенгрок имконият яратади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ бу борада янги меъёрлар белгиланди. Жумладан, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди. Акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно¹⁹.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади. Юридик шахсларни тугатиш чоғида, кўзғатилган жиноий ишлар доирасида, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳамда ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустаснодир.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйилишининг ҳабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 12-13-сон, 114-модда)

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг энг йирик ва ривожланган банклари томонидан ҳам кичик бизнес корхоналарини молиялаштиришда ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу банклар ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда халқаро молиявий институтлар ва хорижий банкларнинг кредит линиялари орқали кичик бизнес лойиҳаларни молиялаштиришда фаол қатнашмоқдалар. Умуман олганда, лойиҳаларни молиялаштиришда банк кредитларига таяниш бозор иқтисодиёти шароитида ҳам одатий, ҳам мажбурий ҳолатдир.

Жаҳон амалиёти ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, янги иш ўринларини барпо қилишда, бозор ўзгаришларига нисбатан тез мослашишда ва мулкдорлар синфини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга ва юқори самарадорликка эга эканликларини тасдиқламоқда. Кўпчилик мамлакатларда кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрнига, унинг тадбиркорликни ривожлантиришдаги ва бозор муносабатларини шакллантиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳам мулкдорлар синфини вужудга келтиришга ёрдам берадиган кичик бизнесни ривожлантиришдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамият ҳаётининг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига таъсир кўрсатади. Шу боис Ўзбекистон ўзининг мустақиллиги асосида янги иқтисодий ислоҳотлар йўлини жорий этиш ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини кенг ривожлантириб, ўзининг қонун-қоидаларига суянган ҳолда тадбиркор, ишбилармон ва бизнесмен кишиларга қулай шарт-шароитлар яратиб беришга интиломоқда.

Хулоса сифатида шунини айтишимиз мумкинки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари кўнгилдагидек таъсис этиб, бошқарилаётган бўлса, мамлакатимиз иқтисодиётига катта фойда келтириб, иқтисодий ривожланишимизга катта ҳисса қўшади.

Хулоса ва таклифлар

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан таклиф этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси»да ҳозирги кунда юртимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиғини нодавлат сектор таъминлаётгани қайд этилган. Шу муносабат билан 1991 йилда қабул қилинган “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунни бугун қайта кўриб чиқиш ва унга кўшимчалар киритиш талаб этилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини молиялаштиришда, бошқаришда баъзи бир ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибалари тасдиқлашича, йирик компаниялардан фарқли равишда кичик корхоналар қарз сармояларига эмас, балки, асосан ўз маблағларига таянадилар. Шундай бўлсада, тез ривожланаётган фирмалар жалб қилинадаган маблағлар ҳисобига қисман молияланишга эҳтиёж сезади. Бу ҳолда кредит имтиёзлари муҳим молиялаштириш манбаи бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”да Фармони ушбу соҳани республикада кўллаб қувватлаш учун яратилаётган имкониятларни яна бир қарра исботлайди.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар молиясини бошқариш, кўллаб-қувватлаш, ҳамда уларни самарадорлигини ошириш борасида қуйидаги хулосаларни бериш зарур деб ўйлаймиз:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига янги техника ва технологияларни жалб қилиш орқали улар ишлаб чиқариш фаолиятини жадаллаштириш нақадар муҳимдир;

- давлат маблағларидан оқилона фойдаланиш, хусусий капитални жалб этиш ва корхоналарнинг ўз жамғармаларини ишга солиш асосида таъсирчан молия-кредит механизмларини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни, экспорт ҳажмини кўпайтириш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларидан яхшироқ фойдаланишни кўзда тутувчи инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

- минитехника ва асбоб-техникалар лизингини, гаров операцияларини, ўзаро кредитлашни фаол жорий этишга кўмаклашиш;

- ҳудудий жиҳатдан яқин жойлашган фермер ва деҳқон хўжаликларига хизмат қиладиган ва уларнинг муассислари бўлган кредит иттифоклари, ўзаро кредитлаш жамиятлари тармоғини вужудга келтиришга кўмаклашиш;

- ўз қатнашчиларининг пай бадаллари ҳисобидан кредит ресурслари ҳажмини кенгайтириш учун кредит уюшмаларини ташкил этишни фаоллаштириш зарур;

- учинчи шахсларнинг кафиллиги ҳисобидан кредитлар қайтарилиши кафолатларини таъминлашнинг Японияда кичик бизнесни кредитлаш амалиётидагидек сезиларли натижалар берган механизмни жорий этиш;

- истиқболда хом ашё ресурсларини қайта ишлаш ва экспортни кўпайтириш учун замонавий технологиялар сотиб олишда кичик бизнес эҳтиёжларини таъминлайдиган ҳажмларда хорижий инвестицияларни босқичма-босқич жалб этиш дастурини ишлаб чиқишдир.

Аҳолининг фаол қисми ўз бизнесини ташкил этиши ва бошлаши учун шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг иш билан бандлигини оширишига кумаклашадиган кичик ва микробизнес, шунингдек, хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, бошқариш ва юзага келадиган муаммоларни бартаъраф этиш мамлакатимизда ушбу йўналишни янада ривожлантириш учун хизмат қилмоғи керак.

Юқоридаги ҳулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни киритиш мумкин:

1. Молиялаштиришнинг тижорат манбалари хусусан халқаро молия институтлари, тижорат банклари ва давлат мақсадли жамғармаларининг кредит линиялари ҳисобига ресурс базасини шакллантиришга кўмаклашиш;

2. Микромолиялаштириш хизматларини кенгайтириш, хусусан микролизинг хизматларини ривожлантириш;

3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бизнес режа ва инвестиция лойиҳаларини сифатли даражада тузишга ва уларнинг бизнес кўникмаларини оширишга ёрдам бердиган консалтинг фирмалар фаолиятини ҳудудларда ҳам кенгайтириш лозим;

4. Кичик бизнес субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташқи ва ички бозорларни ўрганиш ва бозорлар тўғрисидаги ахборотларни етказиб берадиган махсуллаштирилган маркетинг компанияларини тузиш керак

5. Тадбиркорлик тузилмаларини, айниқса, халқаро молиявий институтлар томонидан ажратилган кредит ресурсларидан доимий фойдаланиш механизмини соддалаштириш, эркинлаштириш, уларни хом ашё ресурсларидан фойдаланишларига йўл очиш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни мамлакат ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам сотиш бозорларини кафолатловчи тизимни яратиш керак;

6. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг ҳуқуқий меъёрий асосларини такомиллаштириш ва ялпи ички маҳсулот таркибида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан яратилган маҳсулот (иш, хизмат) улушини кўпайтириш мақсадида, янги ташкил этилаётганларига нисбатан дастлабки икки йил давомида соддалаштирилган тартибда солиққа тортиш меъёрий миқдорларини татбиқ этмаслик зарур.

7. Кичик тадбиркорлик субъектлари инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун йўналтирилган инвестиция харажатларини бир неча йил давомида ягона солиқ тўлови базасидан тўлиқ чегирилиши мақсадга мувофиқ. Бу, бир томондан, мамлакатда товарлар ишлаб чиқариш ҳажми ошишига хизмат қилади, иккинчи томондан, кичик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашда ижобий самара беради.

Тан олиш керакки, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга мустақилликнинг илк йилларидан катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бугун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазкур соҳани ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга қаратилган.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Т., Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Солиқ кодекси” тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 йил, 52-сон, (I).
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида” ги Қонуни, 2003. 11 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни, 2002. 4 апрел.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 2000. 25 май.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар

- киритиш ҳақида”ги Қонуни, 2004. 26 август.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни, 2006. 23 март.
 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 712 – II – сонли Фармони, 2005 йил 14 июнь.
 9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1987 – сонли Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Фармони, 2003, 30 август.
 10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қуватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-1207-сонли Фармони, 2003 йил. 23 декабрь.
 11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2006 йил 23 март.
 12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Германия ривожланиш банки банки кредит линиясини ўзлаштириш тўғрисида ”ги Қарори, 1999 йил 28 январь. 38 сон.
 13. Ўзбекистон Республикаси президентининг Фармони. Тижорат банкларида аҳоли омонатларини шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида. “Қишлоқ ҳаёти” газетаси. Т.: 2008 йил 22 феврал, № 28 (7330).
 14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабр «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1245-сон Қарори.
 15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабр «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1449-сон Қарори.
 16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури. 2010 йил 14 декабрдаги Ф-3539-сон фармони, 2011 йил 7 феврал <http://gov.uz/uz/year>
 17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини

- такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган фармони.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори Кичик бизнес ва хуссий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 10-11-сон, 98-модда) www.lex.uz
 19. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 35 б.
 20. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.
 21. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби, Халқ сўзи газетаси. 2009 йил 13 феврал
 22. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009
 23. Каримов И.А. «Биздан озод ва обод ватан қолсин» Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.
 24. Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998 йил
 25. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, маблағ ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т., Ўзбекистон, 2005.
 26. Вазирлар Маҳкамасида 2011-йилнинг 1 чораги яқунлари бўйича мажлис бўлиб ўтди. <http://infoman.uz/2011/04/vm-2011-1-chorak/>
 27. Абдуллаев А., Муфтайдинов Қ., Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. – Т.: “Молия” наўирёти, 2003. – 192 бет.
 28. Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. . Т.: “ТДИУ”, 2007. 120 б.
 29. Власовой . В.М Основы предпринимательской деятельности: экономическая теория: Учеб. пособие.– М.: «финансы и статистика», 2002. – 192 стр.
 30. Ваҳобов А., Маматов Б. Кичик тадбиркорлик лойиҳаларини кредитлаш амалиёти ва муаммолари. /Бозор, пул ва кредит/, 5-сон, 2006. 43-46 бет.
 31. Ваҳобов А.В. Хусусий мулк – иқтисодиётнинг ишончли пойдевори. /Халқ сўзи/, 2003. 24 апрель, 87-сон.
 32. Ғуломов С. С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти. 2002. – 369 бет.

33. Ғозибеков Д.Ғ. Маблағларни молиялаштириш масалалари. -Т.: «Молия» нашриёти, 2003 йил. 332 бет.
 34. Олимжонов О. Мустақил молия сиёсати буюк келажак асосларидан бири // Халқ сўзи. 1998 йил март.
 35. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет. Ўқув қўлланма. . Т.: “Iqtisod-moliya”, 2008. 83 б.
 36. Маликов Т.С. Мустақиллик йилларида солиқ сиёсати. // Жамият ва бошқарув. 2001. №2. 6-б.
 37. Мусаев Т. Мусағалиев А. Солиқ ислохатлари иқтисодиётни модернизациялаш асоси. “Бозор пул ва кредит” журнали. 2007 йил №3. 28 бет
 38. Маматов Б.С. Кичик бизнесни молиялаштиришнинг чет эл тажрибаси. /Бозор, пул ва кредит/, 2005. 4-сон, 40-43 бетлар.
 39. Маматов Б.С. ва бошқалар. Қишлоқда кичик ва ўрта бизнес: тараққиёт йўллари, ҳуқуқий кафолатлар. /Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги/, 2002. 3-4 сонлари.
 40. Маматов Б., Хўжамқулов Д. Лизинг – кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш самарали воситаси. “Бозор, пул ва кредит” илмий – амалий ойлик журнали, № 8, 2002 йил. 48-49- бетлар.
 41. Маматов Б. Носиров Э. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш. ТМИ – 2007. 150 б.
 42. Рубе В.А. Малый бизнес: история, теория, практика. – М.: «ТЕИС», 2000
 43. Рофиев Қ. Европа тикланиш ва тараққиёт банки – тадбиркорлик ривожиди. /Банк ахборотномаси/, 2003. 9 апрель, 15-16 сон.
 44. Ирисов Б. Юнусов Р. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш истиқболлари. Пул, кредит ва банклар, 2007 №9 23 бет.
 45. Рофиев Қ. Тадбиркорлик қўллаб-қувватланади. /Халқ сўзи/, 2003. 11 апрель.
 46. Раҳматуллаев Б. Бюджет – давлат иқтисодий қудрати асоси. //Бозор, пул ва кредит, 2001. №7.141.
 47. Саримсоқов Э. Давлат харажатларини режалаштиришнинг янги шакли. “Бозор пул ва кредит” журнали. 2007 йил №5. 54 бет
 48. Собиржанова Д., Бойматова У. Хусусий ва кичик бизнес менежменти, Ўқув қўлланма. Тошкент. “Iqtisod-Moliya”-2007
 49. Қосимова Г. Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш долзарб масала. “Бозор пул ва кредит” журнали. 2007 йил №6. 30 бет
- Интернет сайтлари:
50. www.lex.uz
 51. www.gov.uz
 52. www.uza.uz
 53. www.infoman.uz